

Кўринмас чегара



16:08 / 18 январь 1085

Ботқоқликдаги бир қамиш устида турган нар майнани тасаввур қилинг. 10 метр нарида яна бошқа нар майна... Бу икки қуш орасига кўзга кўринмас чегара тортилган. Баҳорда совуқ ўлкалардан учиб келган ҳар бир нар қуш бу ботқоқликни ўзаро тақсимлаб, чегараларини белгилаб олади. Энг афзал жойлар уя қуришга қулай ва болалари учун озуқа кўп бўлган жойлар ҳисобланади.

Ин қурмоқчи бўлган ҳар бир нар қуш баланд жойга қўниб, сайрайди ва қанотларини қоқиб, рақибларига қарши ўз майдонида ҳукмронлигини эълон қилади. Бу иш ўша жойга келган бошқа нар қушлар тарафидан ҳам такрорланади, натижада чегаралар бироз тораяди. Маълум вақт ўтгач, бир-бирлари билан танишиб, келишиб олишади ва чегаралар қатъий белгиланади. Бундан кейин нар қушлар вақтларининг кўп қисмини ин қуриш учун бошқа жой топмай, ўз ерларига келмоқчи бўлган бегоналарни ҳайдаш билан ўтказадилар. Сайраб, ўзини кўз-кўз қилиш одатда келиша олмаслик ёки жанжални келтириб чиқаради.

Ерда бир нарсани чўқиб туриш ҳар доим ҳам қушнинг бирор нарса еяётганини англатмайди. Қушнинг бундай ҳаракати гўё ғазабланган инсоннинг муштумини деворга уришига ўхшайди. Одатда қуш ҳақ- ҳуқуқи поймол этилганда бундай ҳаракатни тез-тез такрорлайди. Чегараларнинг ишончилиги таъминланиб, хавф-хатарлар бартараф этилгач, нар қуш

қорнини тўйғазишга киришади, мода йўқ бўлган пайтларда инни қўриқлайди. Агар озуқа турлари ва иннинг хомашёси бир-биридан ажралиб турса, битта чегараланган майдонда бир нечта қуш биргаликда яшаши мумкин.

«Ҳидоят далиллари» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 30 декабр 03-07/8108-сонли хулосаси асосида тайёрланди.